

IN SHAPING THE SOCIO-SPIRITUAL THINKING OF YOUNG PEOPLE IN THE MUSICAL ART OF THE GREAT SCHOLARS OF THE EASTERN RENAISSANCE POSITION HELD.

Ulugbek Rahmonov, Alijon Ergashev, Mavludahon Nazhmetdinova,

Teachers of the Faculty of Art History of Fergana State University.

Student **Shohista Usmonova.**

Abstract: It is known from the historical development of any country that the rapid development of a country, its achievements, the prosperity of its people are closely linked with the level of education and attention to the future of the country. Every nation wants to see perfection in its future generation. The Uzbek people, in their culture and spirituality, pay special attention to the education of perfect people, and the cultivation of such levels of perfection has always been important.

ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ-МАНЬНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ УЙГОНИШ ДАВРИДАГИ БУЮК АЛЛОМАЛАРИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИДА ТУТГАН ЎРНИ.

**Фаргона давлат университети “Санъатшунослик” факультети ўқитувчилари Улугбек Раҳмонов,
Алижон Эргашев, Мавлудаҳон Нажметдинова.
Талаба Шохиста Усмонова.**

Ҳар қандай давлатнинг тарихий таркқиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир миллат ўз келажак авлодида комилликни кўришни орзу қиласди. Ўзбек ҳалқи ҳам ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонлар тарбиясига алоҳида эътибор берган ва бундай комиллик дарғаларини етиштириш ҳар бир замонда муҳим санаалган. Инсон камолатида эса жисмоний ва маънавий гўзалик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўнимкамларга эга, мамлакатимизнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хозирги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шакллантириш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28-июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривож-лантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги¹ ва 2019 йил 3-майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари республикамизда маънавий-маърифий ишларни ривожлатиришда муҳим меъёрий хужжат сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз ижтимоий-маънавий ҳаётига кейинги йилларда тобора чуқур кириб бораётган, халқимиз тафаккури, ҳаёт тарзида мустаҳкам ўрин эгаллаётган “Янги Ўзбекистон-янгича дунё қараш”, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”, “Янги Ўзбекистон”, “Миллий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28-июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривож-лантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 29 июль.

тикланишдан-миллий юксалиш сари”, “Янги Ўзбекистон-янги Ренессанс сари”, “Учинчи Ренессанс” каби ғоялар мамлакатимиз тараққиётининг тамомила янги босқичи ва даражасини белгилаб бераётганини алоҳида эътибор этиш лозим. Юқорида эътироф этган барча ғоя ва тушунчаларнинг қалити – бу илм-фан ва таълим хисобланади. Агар биз тарих саҳифаларига эътибор берсак, Марказий Осиё ўз тарихининг ҳар бир даврида диний ва табиий фанлардаги янги билим ва ёндошувларга кенг қучоқ очган. Юртимиз ҳар доимо янгилик ва танқидларга очик, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган маданият сифатида хукм сурган. Худудимизда кенг ривож топган мадраса ва расадхоналар билан бир қаторда физика, математика, тарих, география, фалсафа ва мусиқа санъати каби фанларни ривожланиши билан эътиборли бўлган. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларига кириб келган “Ренесанс” сўзи нима маънони билдиради. “Ренессанс” сўзининг лугавий маъноси, бу французча бўлиб “қайта туғилиш” деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамиятда узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассибли-гидан кейин XV-XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ходиса ўзбек тилига Уйғониш даври-деб ўгирилган.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий ибора билан фикр юритадиган бўлсак, ҳақиқатдан, тарихан олганда, бизнинг юртимиз икки Ренессансни бошидан ўтказган. Биринчиси, IX-XII асрларда ва иккинчиси XIV асрнинг охирги чораги-XVI асрнинг биринчи чоракларига тўғри келади. Агар илмий жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, биринчи Ренессансда юртимиздан Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк мухандислардан Ал-Бухорий, Ат-Термизий, мутакаллимлардан Имом Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди². Иккинчи Ренессансда – Мирзо Улуғбек, Гиёсиддин Жамшид Коший, Қозозода Румий, Али Қушчи, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод каби буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, шоирлар, тарихчилар чиқиб, дунёни лол қолдирган асарлар яратганлар. Ҳар икки Ренессанс даврида бизнинг юртимиз дунёнинг илғор, мутараққий ҳалқлари қаторида эди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатлар, ҳалқимизнинг бой илмий-маданий мероси, мамлакатимизда илм-фан, санъат ва маданият соҳалари-да эришилаётган ютуқлар, ахолини, айниқса, ёшларда ёт ғояларга қарши мағкуравий иммунитетни кучайтиришда, миллий қадриятлар ва анъаналарни асраб авайлаш ва кенг трафиб этишда мусиқа таълими ва санъатини ўрни бекиёсдир.

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳатлар қаторида ва маданий-маърифий ривожланишни ўзига хос йўлини танлаши натижасида, таълим муассасаларида келажагимиз бўлган ёшларга мусиқа таълими бериш соҳасида олиб борилаётган тизимини қайта ташкил этиш зарурлиги буғунги кун талаби сифатида яққол кўриниб қолди. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томон-лама камол топтириш, уларда миллий анъаналар ва санъатга бўлган қизиқиш-ларини, тафаккурларини ривожлантириш, миллий санъат асарлари билан таништириш ҳамда ўргатиш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

Мусиқа-инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товушлар изчиллиги ёки мазмун воситасида акс эттирувчи санъат тури. Мусиқа инсонни маънавий-ижтимоий тафаккурини шакллантиришда, улардаги турли кайфиятларни, яъни кўтаринкилик, шодлик, завқланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ҳислатларини инсонни ҳис-туйғула-рини, орзу-умидларини, хошиш-истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этиб ўзида мужассамлантиради. Мусиқа - ҳам фан, ҳам санъатдир. Чунки, мусиқа ҳар доим ривожланиб турувчи жонли санъатдир. Мусиқа инсон умрини доимий йўлдоши, мусиқа инсонни юрагига чуқур кириб, уни ички кечинмаларини акс эттирувчи кучга эга³.

² Каримов Ш., Шамсутдинов Р.Т. “Ватан тарихи”. Т., “Ўққитувчи” .1997.

³ Маънавият юлдузлари. – Т. : Мерос, 1999.

Агар биз ўзбек халқининг миллий анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассам этган ўтмиш маънавиятимиз тарихига мурожаат этсак, мусиқа асарлари ижросида аждодларимиз бир-бирларини тарбиялаш борасида кўпгина амалий ишлар қилишган. Мусиқа санъатида ўзининг илмий рисолалари билан тарихда из қолдирган мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобий “Илмларнинг келиб чиқиш тўғрисида”ги асарида мусиқа санъатининг сеҳр кучи, мўжизакор таъсири, инсон маънавий камолоти ва саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида шундай фикр юритган: “Бу илм шундай маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар ҳулкани тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган ҳулкни мукаммал қиласи ва мувозанатда бўлмаган одам ҳулкани мувозанатини сақлаб туради. Бу илм танинг саломатлиги учун фойдалидир, чунки, тан касал бўлса, рух ҳам сўлади, тан тўсиқка учраса рух ҳам тўсиқка учрайди. Шунинг учун мусиқа асбобларида ижро этиладиган созлар овозининг таъсири рухни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, рух эса ўз кучларини тартибга солиб, ундан озуқа олади”-деб таъриф берган⁴. Фаробий мусиқага инсон аҳлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита-деб қараган. Шу билан бир қаторда буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий “Мусиқа ҳақида катта китоби”да ўрта асрнинг йирик мусиқашуноси сифатида машхур бўлган. У мусиқа илмини назарий ва амалий томонларига, яъни куйлар-нинг ички тузилиши, унинг қонуниятларини ҳисобга олиб таъриф берган ва илмий асосда шахрлаб ўтган. Мутафаккур мусиқа назариясида товушлар вужудга келишининг табиий-илмий томонларига эътибор берибгина қолмай, куйлар гармониясининг тузилиш йўлларига ва қонун қоидалари ёзма асосда келтирган. У Шарқ мусиқасининг ритмик асосини далиллар билан изоҳлаб берган. Яъни, ритм ҳақидаги таълимотида тез ёки суст суръат билан боғлик, ургули-урғусиз (кучли ёки кучсиз ҳисса) шу билан қаторда шартли қабул қилин-ган сўзларни талаффуз этишга асосланганлигини, ритмларни ташкил этган зарб бирликлари бўлган нақралар, уларнинг бирикмасидан ҳосил бўладиган рукнлар-нинг турли хиллари асосида яратиладиган ритм ўлчовлари ва турларини ёритиб берган. Бу илмий қўл ёзмани энг муҳим томони шундаки, Шарқда маълум булган мусиқа асбоблари, жумладан, рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби созларни куй ижро этиш қоидаларига изоҳ бериб ўтган.

Абу Али ибн Сино таъбирига кўра “Мусиқа қалб кучларига руҳий баҳш этади, уни ортиқча хаёллардан тозалайди. У яхши кайфият яратиш, қувноқ хиссиётлар ҳосил қилиш орқали шифобаҳаш таъсир қилиши мумкин” – деб изоҳ берган⁵. Биз Абу Али ибн Сино таълимотига илмий жиҳатдан ёндошсак, аллома яшаб ижод қилган Урганч, Рей ва Ҳамадон каби марказий шаҳарларда бастакорлар, устоз хонанда ва созандалар ижодининг барқ уриши, мусиқа тафаккурининг юксак намуналаридан бўлган мақомларнинг жорий қилиниши, мусиқа илмiga ҳам катта эҳтиёж туғдирган. Мусиқа илмiga оид турли қарашлар Ибн Синонинг кўплаб асарларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Шифо” номли китобининг “Жавом илм-ул мусиқий” деб номланувчи бўлими, “Нажот” китобининг “Муҳтасар илм-ул мусиқий” каби бўлиmlарида мусиқанинг қонуниятлари ва ички хусусиятлари рақамлар тарзда ифода этилган. Бу соҳада Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Ибн Сино ҳам, қадим юонон анъаналарини давом эттириб, янги Шарқ мусиқаси шароитида ривожлантирган. Ибн Синонинг мусиқий қарашларининг асосий хусусияти, шу билан бир қаторда Форобий таълимотидан фарқли томони шундаки, Ибн Сино ўз мусиқий назариясини товушнинг физик хусусиятларига асосланиб тузган. Мусиқа қонуниятларини товушнинг физик хусусиятлари асосида аниқлайди. Форобий эса мусиқани тажриба ва идроклаш, қонуниятлари билан боғлайди. Бунда Ибн Сино таълимотининг муҳим томони шундаки, мусиқани фақат тажрибага боғлаб қўймасдан, уни фан ва тафаккур ёрдамида ривожлантиришга катта эътибор берган. Ана шунинг учун ҳам унинг мусиқий қарашлари илмда чукур из қолдирган, шунингдек, Шарқ ва Фарб мусиқа илми-нинг ривожланиш жараёнинг катта таъсир кўрсатган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги айни кунларда илгари сурилаётган “Янги Ўзбекистон – янги Ренесанс сари” мавзусига оид жуда кўп Шарқ Уйғониш даврининг буюк алломаларини мусиқа санъати тўғрисидаги илмий қарашларини алоҳида руқунлар остида илмий асосда ёритиш ва ёш авлодга етказиш даври келди. Бунинг учун бундай илмий конференцияларни мақсадли асосда ўтказиб бориш зарур-деб ўйлаймиз.

⁴ Исҳоқ Ражабов. «Мақом асослари». Тошкент.1992 й.

⁵ Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т.; Ўзбекистон. 1971.

Мусиқа санъати инсонни маънавий-ижтимоий тафаккурини ривожлантиришда асосий омил сифатида шахснинг шаклланишига кучли таъсир этиш хаётда исботланган. Оилада, мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида мусиқа машғулотларини мақсадга мувофиқ тарзда ўюнтирилса, ёш авлодни маънавий ички дунёсини бойитишда муҳим воситадир. Ҳар бир миллатнинг ўз миллий товушлари ва миллий ижро этиш услублари бор. Ҳозирги кунда “Оммавий маданият” деб ёт бўлган мусиқа оҳанглари миллий, маънавий-мағкурамизга кириб келаётган мусиқалар ҳам йўқ эмас. Бундай мусиқа оҳангларига ижрочилар ўзларини шахсий туйғуларини оҳангларда ифодалаб, кенг омма орасида янгилик яратдим деб ҳеч қандай мусиқий услуг йўналишларига тушмайдиган ижролар орқали инсонлар тафаккурига зиён етказаётганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто, бундай мусиқа кўринишларни оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги, катта-катта саҳналарда, тўй-томушаларда, транспорт воситалари радиоларида ижро этилаётган мусиқа асарлари эшитувчиларни маънавий-мағкурасига, тафаккурига салбий таъсир кўрсатаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, қадриятлар ва урф-одатларимизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлоқ тўғри келмайдиган ижро услублар ёшлар ҳаётига кириб келаётганлиги, уларни маънавий-ижтимоий муҳитга таъсир этаётганлиги соҳа вакилларини ранжитмай қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28-июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривож-лантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 29 июль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3-майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 4 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий оламини юксалтиришни мустаҳкам пойдеворидир”-номли нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил август сони,
4. М.М.Хайруллаев. Абу Наср Форобий. Тошкент. 19966 йил.
5. М.М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент.1971 йил.
6. И. Ражабов. Мақом масаларига доир.Тошкент. 1963 йил.
7. А.Эркаев. Учинчи Ренссанс-миллий ғоя сифатида. Янги Ўзбекистон газетаси. 2020 йил 9 сентябрь.
8. О.Матёкубов. Ибн Сино ва мусиқа. Совет Ўзбекистони санъати журнали. 1980 йил. №8-сони.